# АҲМАД ДОНИШ — ИСЛОМШУНОС

Руҳият иқлимлари

Буюк тарбиячи, улуғ файласуф, нозиктаъб шоир, ажойиб меъмор, ҳуснихат хаттот, моҳир мусаввир, мунажжим, муҳандис, давлат арбоби, хуллас, қомусий билим соҳиби Аҳмад Дониш туғилганига 170 йил тўлди.

Ул зоти шариф инсоният маънавий оламини бойитишга муносиб ҳисса қўшган. Адибнинг «Манозирул кавокиб», «Рисолаи фи аъмоли курра», «Наводирул вақоеъ», «Рисолаи тарих» номли асарлари, шунингдек, ғазал, рубоий, қитъалари машҳур.

Аҳмад Дониш ҳикмат, ривоятлар воситаси ила кишиларни тарбия қилмоқчи бўлади. Дарвоқе, шарқ педагогларининг тарбия воситаси худди шу йўл бўлган. Кайковус, Имом Ғаззолий, Фаридиддин Аттор, Саъдий, Жомий, Навоий ҳикматлари, ривоятларини эслайлик.

А. Дониш ҳам мана шу буюк зотлар издоши эди. У ўз даврининг буюк ислоҳотчиси ҳамдир. Дониш давлат тузумини, таълим-тарбия тизимини, иқтисодни ислоҳ қилмоқ, замонага мослаш, юртнинг тараққиёт сари юз тутиши тарафдори эди.

А. Дониш бизнинг фахримиз. У бир неча марта Петербургга борган ва ўз илми, дунёқараши, ҳозиржавоблиги билан ўрисларни қойил қолдирган.

Аҳмад Дониш исломшунос ҳам ҳисобланади. Бироқ унинг бу борадаги фаолияти тадқиқотчилар назаридан четда қолган. Қолаверса, қизил империя даврида адибнинг исломшуносликка қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида ёзиш ёки гапириш мумкин эмасди.

А. Донишнинг «Наводирул вақоеъ» асари қисқартирилиб чоп қилинган. Натижада адиб ижоди тўғрисида ўқувчиларда бирёқлама фикр пайдо бўлган. Мусулмони комил, ғоят тақводор ҳисобланган Дониш даҳрий деб талқин қилинган.

«Наводирул вақоеъ» фалсафий, тарбиявий, маърифий китобдир. Бу асар ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Мазкур китобдан маълум бўладики, Дониш дунёқарашининг шаклланишида нақшбандия тариқатининг таъсири бўлган. У мазкур тариқат ақидаларига таянган ҳолда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш мумкинлигига ишонган. Ўзи ҳам нақшбандия таълимотига амал этган.

Дониш фикрича, руҳ доимо бахти фароғат, аниқроқ қилиб айтганда, ҳақиқий бахту фароғатни излайди. Дарҳақиқат, шундай. Лекин ҳақиқий — доимий бахти фароғатни қаердан топмоқ мумкин? Ҳақиқий бахту фароғат эса: «Ало би зикриллоҳи татмаи-нул қулуб», яъни «Огоҳ бўлингки, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олади!» («Раъд» сураси, 28-оят).

Кўриниб турибдики, молу давлат йиғмоқ, беҳуда орзу ҳавасларга етмоқ билан бахту фароғат ҳосил бўлмас, қалб ором олмас. Балки қалбнингт ороми Аллоҳнинг зикри ила ҳосил бўлур. Бунда пиримиз Ҳазрат Баҳоуддиннинг «Дилинг ёр ила, қўлинг кор ила банд бўлсин» шиорлари ўз тажассумини топган.

«Дин — панду насиҳатдан иборат» деганлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом. Ўтмишдаги барча алломаларимиз, жумладан, Аҳмад Дониш ҳам мана шу панду насиҳатлар таъсирида улғайган, вояга етган ва шу панду насиҳатлар таъсирида ўз асарларини яратган.

«Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради». (И.А.Каримов.)

Албатта, Аҳмад Дониш ижоди ҳали кўплаб тадқиқотчиларга мавзу бўлади. Мустақиллик шарофатидан алломанинг маънавий меросига ҳақиқий баҳо бериладиган бўлди.

**Бухоронинг донишмандлари**
**Ғарбу шарқда машҳур, ложарам!**
**Бухоронинг донишмандлари**
**Илму фанда устоди аъзам.**
**Одамларни тарбият этган**
**Донишларнинг ҳар бир пандидур,**
**Аҳмад Дониш — Бухоро фахри,**
**Аҳмад Дониш юрт дилбандидур!**

**Ҳожи Садриддин Салим БУХОРИЙ**

# БАЗМИ ЖАМШИД

Тарих ва тақдир

Ёзма манбаларда Наврўзнинг жорий этилиши тўғрисида турлича қарашлар, тахминлар мавжуд. Шулардан бири бевосита «Базми Жамшид» билан боғлиқ афсона ва ривоятлардир.

Масалани ойдинлаштириш учун аввало ушбу атаманинг моҳиятига тўхталайлик. «Базм» сўзининг луғавий маъноси машшоқлар, ашулачилар, қизиқчи-масхарабозлар ҳамда раққосалар иштирокида ўтказиладиган ўйин-кулги ва томоша демакдир. Жамшид эса тарихий шахс бўлган. Умар Хайём уни Эроннинг афсонавий подшоҳи Тахмураснинг укаси деб ёзган. А. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида у Тахмураснинг ўғли дейилган. Шунга кўра, айтиш мумкинки, халқимиз тилидаги «Базми Жамшид» ибораси дабдабали, шоҳона базмга ишорадир.

«Базми Жамшид» тўғрисидаги маълумотлар Алишер Навоийнинг «Тарихи мулки ажам» асарида ҳам учрайди. Шоир Жамшидни Эроннинг учинчи подшоси сифатида тилга олади ва уни адолатпеша, янгиликка тарафдор, ихтиропарвар шоҳ тимсолида таърифлайди.

Зеро, Жамшид «Қирқ минор» даб аталган муҳташам ва улкан қаср қурдирган. Табиийки, унинг миноралари қирқта бўлган. Иншоотнинг битиши айнан Наврўз кунига тўғри келган. Шу муносабат билан адолатли подшоҳ ҳурматли ва улуғ кишиларни йиғиб, ниҳоятда тантанали ва улкан базм уюштирган. Адабиётшунос С.Олимовнинг аниқлашича, қирқ минор харобалари Навоий даврида ҳам сақланиб қолган экан.

Шоҳ Жамшид ва, умуман, Ажам подшоларининг энг яхши ихтироларидан бири — Наврўз базми дастурхонининг безатилиши юзасидан жорий этилган қоидалардир.

Қадимда Эрон ва Турон подшолари Наврўз дастурхонини безатишда етти ранг — етти хил неъмат ақидасига амал қилганлар.

Кенг майдонда П шаклидаги улкан базмгоҳ барпо этилган. Унинг чор атрофи байрам руҳига мос безатилган. Дастурхонга «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хил таом тортилган. Улар асосан кўк ўсимликлар: сиб — олма, сабзи, сир — саримсоқпиёз, сирка, сатор — тошгул, сиёҳдон — қора данак, синджид — ёввойи зайтун кабилар бўлган. Дастурхонга яна етти хил мева шарбати қўйилган. Баҳор даракчилари — ёғоч идишда ўстирилган буғдой ёки арпа дони дастурхон марказидан жой олган. Подшоҳлар дастурхонига буғдой, арпа, тариқ, макка, нўхат, ясмиқ, гуруч, кунжут ёки ловия унидан пиширилган нон келтирилган. Шунингдек, турли дарахтлар — тол, зайтун, беҳи, анор ва бошқалардан етти новда, етти оқ коса дирҳам, янги динор ҳам бўлган. Подшоҳга оқ қанд ва кокос ёнғоғи берганлар. У янги соғилган сутга хурмо солиб танаввул қилган.

Базм дастурхонига етти хил рангдаги тухумлар ва бошқа ноз-неъматлар ҳам қўйилган. Арвоҳлар руҳини шод этиш учун шамлар ёқилган. Сув тўла катта идишга кўк барг — кўкат солиб қўйилиши янги йил сувга ва экинга мўл бўлсин деган рамзий маънони англатган.

Ташкилий ишлар ниҳоясига етгач, базмгоҳга одил подшоҳ, мулозимлар ва мубадлар мубади ташриф буюриб, ўзлари учун ажратилган жойда тўхтаганлар. Сўнг байрамнинг очилиши тантанали равишда эълон қилинган. Анъанага кўра, Наврўз куни подшоҳ оиласидан бўлмаган биринчи одам зардўштийлар динининг бош коҳини подшоҳ олдига май тўла олтин жом, узук, дирҳам ва подшоҳ динори, бир қучоқ арпа ниҳоли, қилич, ўқ-ёй, давот ва қалам олиб келиб, форс тилида офаринлар айтиб, шукроналар билдирган. У подшоҳни васф этиб бўлгандан кейин олий мартабали амалдорлар хизматга тайёр эканликларини изҳор этишган. Умар Хайём руҳонийнинг базмгоҳда сўзлаган мақтовнома матнини келтириб ўтади:

«Шоҳим. Фарвардин байрамида, фарвардин ойида Яздон ва Каён дини учун эркин бўл. Суруш донолик, синчковлик ва илмни сенинг кўнглингга солган, арслон табиат бўлиб узоқ яша, заррин тахтда шодмон бўл, Жамшид жомидан бир умр жўш эт, ҳиммат ва мурувват билан аждодлар одатига риоя қил, одил ва ҳақгўй бўл, бошингдаги сочинг оқармасин, сенинг ёшлигинг арпа ниҳолига ўхшасин, минган отинг чопқир ва музаффар бўлсин, қиличинг ярқираган бўлсин ва душманларга ўлим келтирсин, лочинингга овда омад ёр бўлсин, ишинг ўқдай тўғри бўлсин, яна бир юрт олгин, тахтда доим дирҳам ва динорли бўл, истеъдодли ва олим сендан ҳиммат ва марҳамат кўрсин, саройинг фаровон, умринг узун бўлсин».

Мақтов тугагач, руҳоний қўлидаги майдан тотиб кўрган. Сўнг майни олий ҳукмдорга тутқазган. Подшоҳнинг бошқа қўлига арпа ниҳолини беришган. Оёғи остига дирҳам ва динорлар сочишган. Бу ишларнинг барчасида Наврўз куни подшоҳнинг нимага кўзи тушса, шу нарсалар йил бўйи бахт келтиради, деган рамзий маъно яширинган.

Руҳонийларнинг подшоҳни олқишлаш маросими тугагач, асосий томошалар бошланган. Адабиётшунос С. Олимовнинг таъкидлашича, базмгоҳ саҳнасига янги йил тимсолидаги бир ёш бола чиқарилган. Е.Бертелснинг Кисравий қаламига мансуб «Китобул-маҳосин ва-л-одат» асарига таяниб маълумот беришича, қадимий Эрон шоҳларидан Сосонийлар саройида Наврўз базми куни бир ёш бола янги йил қиёфасида ниқобланиб подшоҳни табриклаган. Театрлаштирилган услубдаги бу томошада актёр ўз исми «Хўжаста» эканлигини айтади ва: «Мен билан янги йил бошланади. Мен шоҳга кўп хушхабар, тинчлик-осойишталик ва кўп барокатлар олиб келдим», — дея тантанавор нутқ сўзлаган. «Хўжаста» нинг маъноси ҳам эзгулик, бахт ва шодлик келтирувчидир.

Умар Хайёмнинг ёзишича, Эрон подшоҳларининг байрам билан боғлиқ яна бир одатлари бўлган. У санъат аҳли, ижодкор ёки илмли кишилар учун махсус жорий этилган.

Умар Хайём Эрон ҳукмдорлари Наврўз базмига яхши хабар, таклиф ёки ихтиро яратиш ғояси билан келган фуқарони муносиб тақдирлашгани ҳақида шундай ёзади: «Агар кимда-ким бир нарса таклиф қилса ёки қўшиқ айтса ёхуд уларга маъқул бўладиган пурмаъно сўзлар айтса, улар «Офарин!» дейишарди ва «Офарин» дейишлари билан ўша одамга хазинадан минг дирҳам берилар эди. Улар яхши суханнинг қадрини билишарди».

Ушбу тарихий ҳақиқатни Низомулмулк ҳам тасдиқлаб, ўз «Сиёсатнома»сида шундай дейди: «Сосонийлар авлодида қуйидагича одат бор эди: Наврўз куни уларнинг ҳузурида подшоҳга хуш келадиган сухан-ворлик қилса ёки ўз ижрочилик истеъдодини намойиш қилса ва улар «Офарин!» деб юборсалар, шу заҳотиёқ хазиначи ўша одамга минг дирҳам берар эди». Демак, байрам базмида донишмандлар, олимлар, шоирлар билан бир қаторда сўз санъати аҳлига ҳам алоҳида ҳурмат-иззат кўрсатилган.

Базмгоҳ томоша майдончасида турли ижрочилар чиқишлари, тортишувлар, мусобақалар ва баҳслар уюштирилган. Айниқса, халқ ўйинлари байрамнинг кўрки ҳисобланган. Буни тасдиқловчи тарихий битиклар талайгина. Хусусан, улуғ аллома Абу Райҳон Беруний байрамнинг келиб чиқишини халқ ўйинлари билан боғлар экан, бир ҳикоят келтиради: «Жамшид ўзига арава ясаб олгач, Ҳамал кириши билан ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб бир кунда Думбовонд (дамованд тоғи)дан Бобилга олиб бордилар. Шунда қуёш шуъласи тушиб, унинг тожидан нур таралди. Одамлар бу воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшидга (аравада учишга) тақлид қилиб арғимчоқларда учдилар».

Ушбу воқеа тафсилоти Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳномаси»да ҳам яхши ифода этилган:

**Ишлари гуриллаб**
**берганда мева,**
**Яна улуғликни айлади**
**шева.**
**Битта тахт қурдирди**
**бари сийму зар,**
**Шукуҳи Қаёний,**
**безаги гавҳар.**
**«Дев кўтариб учсин»,**
**деб бўлди фармон,**
**Тахт кўтарилганда**
**маст бўлди осмон,**
**Барча жим одамлар**
**қарар тахтига,**
**Жаҳон қойил қолиб**
**шукуҳ бахтига.**
**Жамшидга сочишар -**
**олтину гавҳар,**
**Шу кунни янги кун —**
**байрам дейишар.**

Умар Хайём «Наврўзнома»да Беруний келтирган илмий фаразларни тасдиқлайди ва Наврўзнинг дастлаб жорий этилиши афсонавий подшоҳ Жамшид замонига бориб тақалишини айтиб ўтади.

Юқоридагилардан англашиладики, Наврўзнинг тарихий анъаналарини тиклаш борасида қилинажак ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу борада ибратли ишлар амалга оширила бошланди. Таъбир жоиз бўлса, қадимий Наврўз бор бўйбасти билан қайтадан дунёга келди. Унинг ҳар йилгидек бу йил ҳам жумҳуриятимиз миқёсида кенг нишонланаётгани, бошқа миллий қадриятларимиз билан ҳамоҳанг умумхалқ байрамига айланиб бораётгани худди мана шундан далолат беради.

**Иброҳим Раҳим ўғли АБДУРАҲМОНОВ**



**Очилибди гуллола-е, гуллола,**
**Келинг, теринг гуллола-е, гуллола.**

# КАМТАРЛИКДАН КАМОЛ ТОПГАНДИ...

Яхши инсоннинг бу фоний дунёдан қуёш чиқиб-ботгандай тез ўтиши қалбингни қаттиқ ларзага соларкан. Айниқса, улуғ айёмларда йўқотган яқинларингни йўқларкансан... Наврўз кунларида ярим асрлик қадрдоним, мактабдошим, камтарин ижодкор Тўлқин Расуловнинг таваллудига 60 йил тўлди...



Тўлқин Расулов ўқувчилик давридаёқ ўзининг кичик-кичик ҳикоялари, жажжи ҳажвиялари билан республика газета ва журналларида қатнашиб турарди. У ёш ижодкорларнинг меҳрибон устози Ғайратий раҳбарлик қилган тўгаракка фаол қатнашди. Бу ерда Хайриддин Салоҳ, Эркин Воҳидов, Тўлқин Имомхўжаев, Анвар Исроилов, Карим Раҳим, Матлуба Исломова, Тамила Қосимова, Соҳиба Ирисхўжаева, Тўлқин Илҳомов каби ижодкорлар билан кенг мулоқотда бўлиб, адабий қозонда қайнади.

Меҳнат фаолиятини «Ўзбекистон маданияти» газетида бошлаган ёш қаламкаш тез орада матбуотимиз дарғалари нигоҳига тушди. Катта адабий даврадаги ижодий меҳнат дўстимизга беқиёс кўмак берди. «Ўзбекистон маданияти», «Ўқитувчилар газетаси», Ўзбекистон телеграф агентлиги, «Тошкент оқшоми», «Муштум»да босилган мақолалари, асарлари Тўлқин Расуловни ўқувчиларга танитди. Унинг, айниқса, «Тошкент оқшоми»даги ижодий меҳнати кўпчиликнинг ёдида. Ўша пайтларда Т. Расуловнинг «Бир қултум» фожеаси», «Бу қайтар дунё», «Сузлаган кўз ёши» каби ахлоқий мавзудаги ўткир мақолалари газетхонларга манзур бўлди. «Ачиган зувала», «Юк», «Ғалати одам», «Эшикни ёп» сингари асарлари ҳажвчилигимиздан муносиб ўрин олди.

Ижодкор дўстимизнинг фарзандларимизга атаб ёзган ҳикоялари ҳам талайгина. Унинг «Ҳаммамизники», «Гулдаста», «Бахтимизни куйлаймиз» номли китобчалари кичкинтойларнинг адабий дўстига айланди.

Тўлқин Расулов 35 йиллик журналистик фаолияти даврида ёзган энг сара мақолаларнинг ўзи 300 дан ортиқ. Заҳматкаш дўстимиз матбуотимиздаги қизғин фаолияти, долзарб мавзулардаги чиқишлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан тақдирланган эди. Т. Расуловни барча ижодкорлар, олимлар ўз сафдоши санар, ғоят қадрлар эдилар. Бунга жавобан Тўлқинжон ҳам уларнинг кўнглига йўл топар, дўстларини «азизим» дея эъзозларди.

Тўлқин Расулов ниҳоятда камтарин инсон эди. Ёшу кексага, мартабалигу мартабасизга бир хил муомалада бўларди. Ҳаммага нисбатан хушмуомалалик унинг зийнати эди. Айни пайтда бу хокисор инсон ўзини кўз-кўз лашни унчалик хушламасди. Тинимсиз ижодий меҳнат унинг севган машғулоти эди. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов шундай деб ёзган: «Тўлқин Расулов журналист қавми кўтариши мумкин бўлган ва кўтариши мумкин бўлмаган жаъмики юкни елкасида ортмоқлади. Ҳеч қачон ёлғон ёзмади. Ҳеч қачон ҳеч кимга ва ўз касбига хиёнат қилмади. Тўлқин Расуловдан кўплаб китоблар қолди. Кўплаб шогирдлар қолди. Ва энг муҳими — ажойиб инсон деган ном қолди».

**Омон САЙДАМИНОВ,**
**муаллим**

# НАВРЎЗ ТУҲФАСИ

Бу йилги Наврўз шодиёналарида қардош халқларнинг урф-одатлари, қадриятлари, баҳор байрамини кутиб олиш маросимлари ҳам ўз аксини топди. Мирзачўл тумани маданият уйининг «Аяжонлар» қозоқ ашула ва рақс фолклор-этнографик ансамбли ҳамда қозоқ хор жамоасини мухлислар катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Ижодий жамоа кўркам баҳор фаслини қозоқ қардошларимиз қандай кутиб олишларини саҳнада маҳорат билан гавдалантириб берди.

Ансамблга ҳамоҳанг саҳнада ўз дастурларини намойиш этган Ажибек Бектанов раҳбарлигидаги хор жамоаси ҳам қозоқ халқ оғзаки ижодиёти намуналарини маҳорат билан куйлайди. Еркесим Олданов талқинидаги айтишув эса дўмбира оҳангларида ўзгача тароват касб этди.

Ижодий жамоа қозоқ халқининг Наврўз байрамидан ҳикоя қилувчи «Овулда Наврўз тантаналари» деб номланган театрлаштирилган томошани «Халқлар дўстлиги» саройи майдонида, пойтахтимизнинг маданият ва истироҳат боғларида, шаҳримиз маҳаллаларида кенг томошабинлар эътиборига ҳавола қилдилар. Касблари турлича бўлган, лекин мухлисларга шодлик бахш этиш истаги бирлаштирган ансамбл ижодкорларининг ҳар бир томошаси катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Бу ижодий жамоа ўтган йили Алматида ўзбекистонлик санъаткорлар номидан табрик дастурини тақдим этган бўлсалар, бу йил қозоқ халқининг наврўзи акс эттирилган томошалари билан икки халқ дўстлигининг мустаҳкамлигини ёрқин тасвирлаб бермоқдалар.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ**

• • •

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги майдони ҳамда Ўзбекистон миллий боғида анъанавий шоду хуррамлик давом этмоқда. Сурхондарё вилояти ижодий ва бадиий жамоалари тайёрлаб келган байрам дастури ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ушбу дастур ҳақида вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Абдурасул ИБРОҲИМОВ шундай деди:

— Пойтахтимиздаги Наврўз шодиёнасида қатнашиш учун ижодий жамоаларни конкурс асосида саралаб олдик. Икки босқичдан иборат конкурсда Шўрчи тумани ижодий жамоалари ғолибликни қўлга киритдилар.

Андижон вилоятига ажратилган қўрғонда эса махсидўзлик, зардўзлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, дўппидўзлик, мисгарлик сингари халқ амалий санъатининг гўзал намуналари намойиш этилмоқда. Бу ерда Андижон вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Равшан АБДУРАҲМОНОВни учратдик.

— Биз даставвал туманлараро конкурс ташкил этдик, — дейди у. — Бугун ана шу ижодий белашувда ғолиб бўлган жамоалар ўзлари тайёрлаб келган байрам дастурлари билан пойтахтликлар ва бу ерга йиғилган барча меҳмонларнинг кўнглини хушнуд этмоқдалар.

Пойтахтимизнинг кўпгина йирик майдонларида намойиш этилаётган турли вилоятларнинг ўзига хос Наврўз дастурларини кўриб, кўнглимиз фахрга тўлди.

Қаламинг қутлуғ бўлсин, Наврўз!

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ**

# КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

*Жавдат Абдуллани хотирлаб*

ЁДНОМА

Кўҳна Қўқон шаҳрида касби-коридан қатъи назар, шеъриятга меҳр қўйган, турли мавзуларда ижод қилган шоирлар ўтган. Улардан бири Чархийнинг яқин дўсти ва ижодда шогирди Жавдат Абдулладир. У Ғафур Ғулом, Уйғун, Мақсуд Шайхзода сингари атоқли шоирлар билан Қўқонда ўтказилган шеърият кечаларида иштирок этар, ўзининг жозибали шеърларидан ўқиб берар, шеъриятга ташна китобхонларни хушнуд қилар эди.

У уч ойлигида онадан, ўн икки ёшида эса отадан жудо бўлиб, бобоси тарбиясида қолади. Бобоси Абдулла ота ўз даврининг илмли кишиларидан бўлиб, Қўқондаги мадрасаи Чўнтакла бош мударрис эди. Жавдат Абдуллада илк бор ўқишга ҳавас уйғотган ва унга савод ўргатган мураббийси ҳам бобоси эди. Октябр тўнтаришидан кейин у Қўқон почта-телеграф мактабида ўқийди, кейинчалик Москва темир йўлчилар мактабига ўқишга юборилади.

Унинг илк шеъри 1926 йили «Ёрқин ҳаёт» журналида босилган. 1940-1941 йиллари Жавдат Абдулла Қўқондаги Муқимий музейини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатди ва шу музейнинг бошлиғи этиб тайинланади. Музейдаги фаолияти шоир ижодий маҳоратига таъсир кўрсатади.

Уруш йиллари у Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Қўқон бўлимида масъул котиб бўлиб ишлайди. Шу даврда ҳам асарлари республикамиз газета, журналларида босилиб туради. Шоирнинг «Илҳомим менинг», «Ўзбекистоним», «Файзиобод қишлоғи», «Пахтакор қизлар», «Меҳнат», «Сизларга минг раҳмат» каби шеърлари меҳнаткаш, ҳалол одамларга бағишланган. Жавдат Абдулла бу шеърларида диёримизни, унинг меҳнат аҳлини куйлайди. Жумладан, шоирнинг «Файзиобод қишлоғи» шеърини ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда меҳнати туфайли камол топган замондошларимизнинг, чирой очаётган қишлоқларимизнинг гўзал манзараси намоён бўлади.

Жавдат Абдулла классик адабиёт намояндаларига эргашиб «Чиройлик», «Ишонма», «Қувонч қўшиғи», «Қалам билан мушоира» каби жозибали шеърларини яратди. Улар орасида, айниқса, хонандалар севиб куйлайдиган «Чиройлик» шеъри ўзининг оҳангдорлиги билан ажралиб туради:

**Менинг севган ёримнинг**
**кулган**
**юзи чиройлик,**
**Пардозга ҳожати йўқ, асли ўзи**
**чиройлик.**
**Шайдоси сарви гуллар**
**гулшанда қоматига,**
**Меҳри дилимни тортган**
**шаҳло кўзи чиройлик.**

Шоирнинг севган ёри асли ҳусндор. Табиат унга битмас-туганмас гўзаллик ато этган, сунъий пардоз унга сира ярашмайди, шоир севгилисининг пардозсиз ҳам ҳусндорлигини, агар у гулшанга кирса ҳамма гуллар лол қолишини ўйноқи мисраларда тасвирлайди:

**Шайдоси сариқ гуллар**
**гулшанда қоматига,**
**Меҳри дилимни тортган**
**шаҳло кўзи чиройлик.**

Шоирнинг севгилиси ўз меҳнати билан гўзал. Меҳнатсеварлиги учун ҳам эл уни севади, қадрлайди. Шоир классик ва XX аср адабиётида учрайдиган хат жанри анъаналарини ҳам давом эттириб, чиройли шеърлар битади. Жумладан, «Мактубларинг» шеърида ёрнинг севги-садоқати, вафосини ўзига хос мисраларда ифода этади.

**Қанча бўлсам мен йироқ,**
**кўнглим яқиндур шунчалик,**
**Нур билан кўзни улар кўзга**
**зиё мактубларинг.**
**Сен ясаб сўздан чаман,**
**чизсанг қоғозга нақши дил,**
**Мен ўқиб илҳомланарман**
**бебаҳо мактубларинг.**

«Қалам билан мушоира» шеърида ҳам шоир ажойиб жонлантиришлар қўллаб, фикрни содда мисраларда ифодалашга эришади. Умуман, Жавдат Абдулла лирикаси ўйноқилиги, содда тилда самимий ёзилганлиги билан шеърият мухлисларини ўзига жалб этади.

Шоир ижодининг муҳим бир қисмини сатирик асарлари ташкил қилади. У ёшлигиданоқ ҳаётдаги нуқсонларга муросасиз бўлган ва ўз ижоди билан уларга қарши курашган. Ўзининг илк «Танқид қаламига» шеърида:

**Эй қалам ҳаққоний тур,**
**ножўя виждонларни ёз,**
**Роҳатига «оқилу» меҳнатга**
**нодонларни ёз —**

деб ўз қаламидан тўғри бўлишни, ҳаётдаги камчиликларни кўрмай, дадил фош қилишни талаб қилган шоир сўзининг устидан чиқди. «Бор экан», «Эрта кел, индинга кел», «Ким эди, ким бўлди» каби шеърларида ҳам ҳаётда учраб турадиган нуқсонлар танқид қилинди. Айниқса, «Эрта кел, индинга кел» шеъри бадиий пишиқлиги жиҳатидан аҳамиятлидир. Шоир эрта кел, индинга келнинг мақсади нимадан иборат эканлигини қуйидаги мисраларда акс эттиради:

**Эрта кел, индин келнинг**
**шўриши ғавғоси бор,**
**Элбошига турли ташвиш,**
**дардисар савдоси бор...**

Одоб-тарбия мавзуида ёзилган «Яхши хулқ», «Айланма», «Бўлмаса», «Қалб сўзи», «Мулла қилинг», «Хуш хулқлик», «Истак», «Қоч» каби шеърлар ҳам Жавдат Абдулла қаламига мансуб.

Жавдат Абдулла ижодининг Қўқон адабий муҳитида ва ҳозирги давр ўзбек поэзиясида ўзига хос ўрни бор.

**Мамлакат ҲОШИМОВА,**
**Қўқон педагогика институтининг доценти,**
**филология фанлари номзоди**

